

*Судьялар олий мактаби ҳузуридаги  
Кенгашнинг 2023 йил 25 апрелдаги  
қарори билан тасдиқланган,  
2023 йил 23 майдаги қарори билан  
ўзгартириш киритилган*

**Судьялик лавозимларига номзодларни  
тайёрлаш курсига 2023-2024 ўқув йили учун  
қабул қилиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом “Судлар тўғрисида”ги, “Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига талабгорларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4096-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш деб юритилади) ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг (кейинги ўринларда Олий мактаб деб юритилади) судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсига (кейинги ўринларда Тайёрлаш курси деб юритилади) қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. Тайёрлаш курсига қабул қилиш Кенгаш томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда белгиланадиган қабул квоталарига мувофиқ давлат грантлари асосида амалга оширилади.

3. Тайёрлаш курсига қабул тенг ҳуқуқлилик, очиклик, шаффофлик принциплари ва адолатли танлов асосида амалга оширилиб, кириш синовларида юқори балл тўплаган талабгорларнинг қабул қилиниш ҳуқуқи таъминланади.

4. Тайёрлаш курсига қабул йилининг 31 декабрь кунига қадар 34 ёшга тўладиган, таълим шифри 5240100 ёки 5380100 бўлган таянч олий юридик маълумот тўғрисидаги бакалавр дипломига эга бўлган ва юридик ихтисослик бўйича камида етти йиллик иш стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси қабул қилинади.

5. Лавозими бўйича мансаб даражаси ёки мартаба даражаси бериш назарда тутилган қуйидаги ходимларнинг меҳнат фаолияти юридик ихтисослик бўйича меҳнат стажига сифатида инобатга олинади:

– судья ёрдамчиси, девонхона ва архив мудири, консультантлар, бошқарма ва бўлим бошлиқлари;

– ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, суриштирув органлари ва уларнинг муассасалари масъул ходимлари;

– адвокатлар, давлат органлари, шунингдек ташкилотларнинг юридик хизмати ходимлари, давлат ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ҳамда ихтисослашган давлат олий таълим муассасаларининг ҳуқуқшунослик фани ўқитувчилари.

**6.** Талабгорнинг ихтисослиги бўйича иш стажи олий юридик маълумот тўғрисидаги диплом берилган вақтдан, агар диплом хорижий давлатда берилган бўлса, у белгиланган тартибда тан олинган (нострификация қилинган) вақтдан ҳисобга олинади.

**7.** Қуйидагилар судьяликка Тайёрлаш курсининг кириш синовларига кўйилмайди:

- жиноят содир этганликда айбланаётган;
- судланган ёки ўзига нисбатан жиноят иши реабилитация қилмайдиган асослар бўйича тугатилган;
- хорижий давлат фуқаролигига эга бўлган;
- суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб эътироф этилган;
- психиатрия ёки наркология муассасаларида ҳисобда турган;
- судьянинг ваколатларини амалга оширишга тўсқинлик қиладиган бошқа касалликка чалинган;
- судьялик лавозимини эгаллашга монелик қиладиган бошқа ҳолатлар аниқланган шахслар.

**8.** Талабгорларни қабул қилиш қуйидаги суд ихтисосликлари бўйича амалга оширилади:

- фуқаролик;
- жиной;
- иқтисодий;
- маъмурий.

**9.** Қабул комиссияси камида етти нафар аъзодан иборат таркибда шакллантирилади. Қабул комиссияси раиси, раис ўринбосари ва масъул котиби (кейинги ўринларда – масъул котиб деб аталади) Кенгаш раисининг буйруғи билан, қабул комиссиясининг қолган аъзолари эса Олий мактаб директорининг буйруғи билан камида тўрт нафар аъзодан иборат таркибда тайинланади.

Қабул комиссиясининг ташкилий ишлари масъул котиб томонидан амалга оширилади.

## **2-боб. Ҳужжатларни қабул қилиш тартиби**

**10.** Тайёрлаш курсига кириш синовлари бошланишидан камида икки ой олдин Қабул комиссияси тайёрлаш курсига қабул қилиш муддатлари, ихтисосликлар номлари ва ажратилган ўринлар ҳақидаги ахборотни Кенгаш, Олий суд, Олий мактабнинг веб-сайтлари ва ижтимоий тармоқдаги каналларида ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларида белгиланган тартибда эълон қилади.

**11.** Тайёрлаш курсига киришда талабгорлар куйидаги хужжатларни тақдим этадилар:

– тайёрлаш курси ихтисослиги номини кўрсатган ҳолда Олий мактаб директори номига ариза;

- шахсни тасдиқловчи хужжат (паспорт ёки ID шахс гувоҳномаси) нусхаси;

– маълумотнома-объективка (ёзма ва электрон шаклда);

– таянч олий юридик маълумот тўғрисидаги бакалавр диплом (таълим йўналиши: юриспруденция; таълим шифри: 5240100 ва 5380100) ва иловасининг нотариал тасдиқланган ёки ташкилотнинг кадрлар бўлимида тасдиқланган нусхалари, агар диплом тан олинган (нострификация қилинган) бўлса, бу ҳақдаги хужжат нусхаси;

– меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган ёки ташкилотнинг кадрлар бўлимида тасдиқланган нусхаси ёки [my.gov.uz](http://my.gov.uz) интерактив хизматлари орқали олинган ва махсус код (QR-код) мавжуд бўлган электрон нусхаси;

– Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 31 декабрдаги 363-сонли буйруғи билан тасдиқланган шаклдаги одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган касалликлар ва жисмоний нуқсонлар йўқлиги ҳақидаги тиббий маълумотнома (086/1 шакл).

**12.** Ариза ва хужжатлар вилоят ва унга тенглаштирилган суд судьялари малака ҳайъатлари орқали ёки бевосита Судьялар олий мактаби қабул комиссиясига тақдим этилиши мумкин.

**13.** Талабгорлардан хужжатлар 5 майдан 5 июнга қадар (якшанба ва байрам кунларидан ташқари) қабул қилинади.

**14.** Низомнинг 11-бандида қайд этилган хужжатлар тўлиқ бўлмаган ёки Низом талабига жавоб бермайдиган ҳолда расмийлаштирилган тақдирда хужжатларни қабул қилиш рад этилади.

**15.** Қабул комиссияси томонидан талабгорлар тўғрисидаги маълумотлар электрон тарзда мунтазам равишда Кенгашга тақдим қилиб борилади.

**16.** Жойлардаги судьялар малака ҳайъатлари Қабул комиссиясига талабгорларнинг хужжатларини қабул қилишда кўмаклашади.

### **3-боб. Кириш синовлари**

**17.** Кенгаш томонидан тегишли тартибда ўрганилган ва рухсат берилган номзодлар кириш синовларига қўйилади.

**18.** Кириш синовлари тўрт босқичдан, яъни психологик тест, ихтисослик фани ва инглиз тилидан тест, ҳуқуқий мавзуда иншо ва оғзаки суҳбатдан иборат.

**18.1.** Психологик тест Кенгашнинг “Психологик тест” ахборот тизимида ташкил этилиб, натижаси психолог мутахассис томонидан баҳоланади. Психологик тест шахссизлантирилган ҳолда текширилади.

Психологик тестни ўтказиш тартиби Кенгашнинг 2021 йил 6 майдаги 1543-сонли қарори билан тасдиқланган “Судьялик лавозимларига номзодлар ва судьяларнинг касбга муносиблигини баҳолашга кўмаклашувчи психологик тест тизими тўғрисида”ги Низом билан тартибга солинади.

Психологик тест натижасига кўра психологик ҳолати ижобий ва қониқарли деб топилган талабгорлар ихтисослик синовларида иштирок этишга рухсат этилади.

Психологик ҳолати қониқарсиз деб топилган ёки психологик тестдан ўтишдан бош тортган талабгорлар ихтисослик синовларида иштирок этмайди.

**18.2.** Ихтисослик фанлари юзасидан тест синовлари саволлари ҳуқуқ соҳалари (фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий йўналишлар) бўйича тузилади.

Тузиладиган саволларнинг сифати, мазмуни ҳамда уларнинг бошқаларга ошқор этилмаслиги бўйича масъулият Қабул комиссияси раиси ва аъзоларига юкланади.

**18.3.** Ҳуқуқий мавзудаги иншо мавзулари олдиндан Қабул комиссияси томонидан Кенгаш ва Олий мактаб веб-сайтлари ва ижтимоий тармоқдаги каналларида эълон қилинади.

Камида 50 тадан иборат мавзулар ичидан талабгорлар иштирокида танланган 3 та мавзу бўйича иншо ёзилади. Ҳар бир мавзу бўйича иншо 10 баллгача баҳоланади.

Кузатувчилар иншо ёзиш учун мўлжалланган қатъий ҳисобда турувчи, рақамланган, муҳрланган дафтарларни тартиб билан таркатади.

Бунда дафтарларнинг варақлари алмаштириш имконини истисно қиладиган тарзда Қабул комиссияси муҳри ва комиссия раисининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Талабгорлар дафтар муқовасида ўз фамилияси, исми, отасининг исмини кўрсатиши, дафтар варақларини букламаслиги, фарқ қилувчи белгилар кўймаслиги, ёзувлар тагига чизмаслиги, кўк ҳаворанг сиёҳли ручкадан фойдаланиши лозим.

Синов яқунлангач, Қабул комиссияси дафтарларни кузатувчилар иштирокида қабул қилиб, муқовасини ажратади. Дафтарларнинг муқоваси ва биринчи варағига махсус шифрлар қўйилиб, алоҳида қутиларга жойланади ва муҳрланади.

Иншолар Кенгаш томонидан, Конституциявий суд, Олий суд, Кенгаш ва куйи судлар судьялари, Олий мактаб ҳамда таълим (ҳуқуқшунослик, тил ва адабиётшунослик) муассасалари ўқитувчиларидан иборат таркибда, тасдиқланган махсус баҳоловчи гуруҳга топширилади.

Махсус баҳоловчи гуруҳ дафтарлар солинган қутиларни Қабул комиссиясидан қабул қилиб, барча аъзолар иштирокида очади.

Юқорида кўрсатилган иншони расмийлаштириш ва топширишга оид талабларга риоя қилинмаганлиги аниқланган ҳолатларда тегишли далолатнома тузилади ва талабгорга балл қўйилмайди.

Иншо натижалари тегишли шифрлар билан алоҳида қайдномага киритилади.

Дафтарлар ва иншо натижалари қайдномаси қутиларга солинади ҳамда баҳолаш гуруҳи томонидан Қабул комиссиясига топширилади.

**18.4.** Кириш синовларининг оғзаки суҳбат босқичига ихтисослик синовларида жами тўплаган баллига 19 балл қўшганда ҳам қабул квотаси бўйича энг охирги ўринда турган талабгорнинг баллидан паст бўлган талабгорлар киритилмайди.

Суҳбат ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходимлари, Конституциявий суд, Олий суд, Кенгаш ва қуйи судлар судьялари, Олий мактаб ва юридик олий таълим муассасалари вакилларидан иборат таркибдаги комиссия томонидан амалга оширилади. Комиссия таркиби Кенгаш қарори асосида шакллантирилади. Комиссия аъзоларининг учдан икки қисми ҳозир бўлганда у ваколатли ҳисобланади.

Суҳбат талабгорнинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятидан, юриспруденцияга оид таълимотлар ва қоидалардан ҳамда ихтисосликка оид қонунчиликдан хабардорлигини, шунингдек унинг дунёқараши доирасини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Суҳбат натижаси ҳар бир комиссия аъзоси томонидан баҳоланади ҳамда комиссия аъзоларининг сонига бўлинган ҳолда унинг ўртача балли ҳисоблаб чиқилади.

Суҳбат натижалари алоҳида қайдномага киритилиб, комиссия аъзолари томонидан имзоланган ҳолда Қабул комиссиясига топширилади.

**19.** Кириш синовларининг ўтказиш куни ва жойи Қабул комиссияси томонидан белгиланади ва оқилона муддатларда талабгорларга маълум қилинади.

**20.** Ихтисослик фани тест синовлари давлат тилида ўтказилади. Ҳуқуқий мавзудаги иншо ва суҳбат ўзбек, қорақалпоқ, рус тилларида ёзилиши ва ўтказилиши мумкин.

**21.** Кириш синовлари натижалари қуйидагича баҳоланади:

– ихтисослик фани бўйича тест **39 балл** (30 та тест саволи бўйича 1,3 баллдан);

– инглиз тили бўйича тест **12 балл** (30 та тест саволи бўйича 0,4 баллдан);

– ҳуқуқий мавзуда иншо **30 балл** (3 та мавзу бўйича 10 баллдан);

– оғзаки суҳбат **19 балл**.

*(22-банд Судьялар олий мактаби Кенгашининг 2023 йил 23 майдаги қарори билан ўз кучини йўқотган)*

#### **4-боб. Кириш синовларини ўтказиш тартиби**

**23.** Кириш синовларини ушбу Низомга қатъий риоя қилган ҳолда ташкил этиш ва ўтказиш вазифаси Қабул комиссиясига юкланади.

Кириш синовларини ўтказиш учун ҳар бир ихтисослик бўйича алоҳида комиссиялар ташкил этилади.

**24.** Кириш синовларини ўтказиш жадвали Қбул комиссиясининг қарори билан тасдиқланади. Қарорга кириш синовларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган талабгорлар рўйхати илова қилинади.

**25.** Ихтисослик фани бўйича тест саволларига оид мавзулар рўйхати, қоида тариқасида, кириш синовлари бошланишидан бир ой олдин Кенгаш ва Олий мактаб веб-сайтлари ва ижтимоий тармоқдаги каналларига жойлаштирилади.

**26.** Кириш синовлари ўтказиш жараёни видеотасвирга олинади. Видеотасвирдан нусха кўчириш тақиқланади.

**27.** Кириш синовлари ўтказиладиган бино қабулга доир ҳужжатларни сақлаш учун сейфлар билан махсус жиҳозланади.

Кириш синовлари ўтказиладиган бино ва аудиторияларда уларни ўтказиш учун санитария ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ жавоб берадиган зарур техник, тиббий ва маиший шароитлар яратилиши керак.

**28.** Қбул комиссияси раиси томонидан тасдиқланган комиссия аъзолари ва Олий мактабнинг бошқа ходимлари аудиторияларга масъул (аудитория кузатувчиси) этиб жалб қилинади.

Кириш синовларини очик ва шаффоф ўтказиш мақсадида қабул комиссиясининг қарорига асосан бошқа идоралар ва жамоатчилик вакиллари аудитория кузатувчилари сифатида жалб қилиниши мумкин.

Кириш синовларини ўтказиш жараёни тўғридан-тўғри намоиш этиб борилади.

**29.** Талабгор қуйидаги ҳолларда кириш синовларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

синовга белгиланган вақтдан кеч қолган тақдирда;

синовга алкоголь ёки психотроп модда таъсирида келган ҳолларда;

тақиқланган ашёларни олиб киришга уринган ҳолларда;

тақиқланган ашёларни олиб киришни аниқлаш мақсадида ўтказиладиган текширувдан ўтишдан бўйин товлаганда.

**30.** Талабгорлар кириш синовлари топшириш учун белгиланган вақт ва жойга ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки ID шахс гувоҳномаси) билан келиши лозим. Синовда қатнашмаган талабгорлар учун кўшимча синов ўтказилмайди.

**31.** Кириш синовларини топшириш учун талабгорлар гуруҳларга бўлиниши мумкин.

**32.** Кириш синовлари ўтказиладиган жойга қоғоз ёки электрон манбадаги ўқув адабиёти, луғат, маълумотнома, жадвал, конспект, ёзув дафтарлари, қоғоз ёки электрон шаклдаги шпаргалкалар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, алоқа воситалари, аудио, фото ва видео ёзиш қурилмалари, қўл соати, хорижий валюта, пластик карта олиб кириш ҳамда улардан фойдаланиши, шунингдек синов жараёнида талабгорларнинг тест саволлари ёки бошқа масалалар юзасидан ўзаро суҳбатлашиши тақиқланади.

**33.** Талабгорларнинг кириш синовлари давомида аудиториядан чиқиши тақиқланади. Соғлиғининг ёмонлашиши ва бошқа зарур ҳолатларда синов материалларини қолдириб, кузатув остида аудиториядан чиқишга рухсат берилади.

**34.** Кириш синовларини ўтказишнинг белгиланган тартибини бузган талабгор синовдан четлаштирилади. Бунда аудитория кузатувчилари томонидан далолатнома расмийлаштирилган ҳолда талабгорнинг тест синовлари ва иншолари баҳоланмайди ҳамда улар синовда иштирок этмаган ҳисобланади.

**35.** Психологик тест, тест синовлари (чет тилидан ташқари), иншо ҳамда суҳбат натижалари бўйича шикоятлар натижалар Кенгаш ва Олий мактаб расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқдаги каналида эълон қилинган кундан эътиборан 24 соат давомида қабул қилинади. Судьялар олий мактабига кириш ва яқунлаш синовлари натижаларидан норози бўлиб берган мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича Кенгаш қарори билан тузиладиган Апелляция комиссияси (бундан буён матнда Апелляция комиссияси деб юритилади) шикоятларни уч иш кунда кўриб чиқади.

**36.** Синов бўйича апелляция куни ва вақти ҳақида Олий мактаб расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқдаги каналида эълон берилади ёки шикоят йўллаган талабгор хабардор қилинади.

**37.** Зарур ҳолларда, апелляция шикоятини кўриб чиқиш жараёнига махсус комиссия аъзолари, аудитория кузатувчилари ва бошқа шахслар жалб қилиниши мумкин.

**38.** Шикоятни кўриб чиқиш натижасида Апелляция комиссияси томонидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

кириш синови натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва шикоятни қаноатлантиришни рад этиш;

талабгорнинг шикоятини қаноатлантириш.

Талабгорнинг шикояти қаноатлантирилган тақдирда, Апелляция комиссияси талабгор нинг синов ишига узил-кесил балл қўяди ва қабул қилинган якуний қарор ҳақида унга хабар беради.

### **5-боб. Ўқишга қабул қилиш тартиби**

**39.** Қабул комиссияси талабгорнинг ихтисослик синовлари ва суҳбат натижасида тўплаган балларини қўшиб ҳисоблаган ҳолда энг юқори балл тўплаган талабгордан бошлаб камайиш тартибида қабул квотасида белгиланган сонгача Тайёрлаш курсига қабул қилинган тингловчилар рўйхатини шакллантиради.

**40.** Тайёрлаш курсига қабул қилинган талабгорларнинг синов ишлари уларнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдларига тикиб қўйилади.

**41.** Ўқишга қабул қилинмаганларнинг синов ишлари 6 ой давомида сақланади, сўнг белгиланган тартибда йўқ қилинади.

**42.** Кириш синовларини қайта топширишга йўл қўйилмайди.

**43.** Умумий қайднома асосида Қабул комиссияси томонидан талабгорларни тайёрлаш курсига қабул қилишга тавсия этиш тўғрисида баённома расмийлаштирилиб, Қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

**44.** Олий мактаб директорининг Қабул комиссияси баённомасига асосан талабгорларни тайёрлаш курси тингловчилари сафига қабул қилиш ҳақидаги буйруғи чиқарилади ва бу ҳақдаги маълумот дарҳол Олий мактабнинг ижтимоий тармоқларидаги канали ҳамда веб-сайтига жойлаштирилади.

#### **6-боб. Яқунловчи қоида**

**45.** Мазкур Низомда белгиланган масалалар бўйича низолар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.